

ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11399322>

Ўроқов Учқун Юнусович
ТДИУ “Молия” кафедраси доценти

Аннотация: ушбу илмий тезисда давлат харидларининг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти, мамлакатимизда давлат тизimini ривожлантириш йўналишлари, мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш масалалари ёритилган.

Калит сўзлар: давлат хариди, бюджет буюртмачи, корпоратив буюртмачи, харид қилиш тартиб-таомили, яшил харидлар.

Маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида давлат харидлари товарларга, ишларга ва хизматларга нисбатан жамият эҳтиёжини таъминловчи, шунингдек, иқтисодиётни, унинг динамикаси ва тузилишини давлат томонидан тартибга солувчи воситалардан бири бўлиб, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим элементи ҳисобланади.

Давлат харидлари соҳасидаги сиёсатнинг асосий мақсади давлат буюртмачиларининг ўз функцияларини бажариш, давлат хизматларини ижро этиш ҳамда инвестиция ва ишлаб чиқариш дастурларини амалга ошириш учун товарларга, ишларга, хизматларга бўлган эҳтиёжларини энг самарали йўл билан қондиришдан иборат.

Шу билан бирга, давлат харидлари сиёсати қуйидаги ижтимоий-иқтисодий масалаларда мослашувчан ва самарали восита бўлиб хизмат қилади:

- барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш ҳамда уларнинг рақобатбардошлигини ошириш, янги иш ўринларини яратиш;

- аҳолининг фаровонлигини таъминлаш, шунингдек, аҳолининг ижтимоий заиф қатламлари ва гуруҳларини иқтисодий жараёнларга жалб қилиш орқали қўллаб-қувватлаш;

- бозор иқтисодиёти тамойилларига мувофиқ рақобатни ривожлантириш ва тадбиркорлик субъектларига кенг имкониятлар яратиш;
- инновацияларни қўллаб-қувватлаш, принципиал равишда янги турдаги маҳсулотларга ёки янги истеъмол хусусиятларига эга маҳсулотларга талабни шакллантириш;
- барқарор харидларни қўллаб-қувватлаш ҳамда экологик ва табиат муҳофазаси билан боғлиқмуаммоларни ҳал қилиш;
- давлатнинг озиқ-овқат, технологик, ахборот, миллий ва муҳофаа хавфсизлигини таъминлаш кабилар.

Мамлакатимизда 2021 йилдан янги таҳридаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонун қабул қилиниши ва амалиётга жорий қилиниши билан давлат харидлари соҳасида бирқатор ютуқларга эришилди. Жумладан,

- давлат харидлари жараёнлари рақамлаштирилди, харидларни амалга оширишда рақобат муҳитининг кенгайишига имконият яратилди;
- давлат харидлари тўғрисидаги маълумотларнинг барча учун очиклиги ва шаффофлиги таъминлана бошланди;
- тадбиркорлик субъектларига, шу жумладан, ногиронлиги бўлган шахсларни бандлигига қаратилган қўшимча имкониятлар яратила бошланди.

Шу билан бирга, давлат харидлари соҳасини янада такомиллаштириш, шунингдек, келгуси йиллар учун амалга оширилиши лозим бўлган давлат харидлари соҳасидаги ягона сиёсатнинг устувор йўналишларини белгилаш зарурати юзага келмоқда.

Бизнингча, давлат харидлари тизимини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш учун узоқ йилга мўлжалланган Стратегиясини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш лозим.

Унда давлат харидлари соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ўқув-методик, илмий ва ахборот-таҳлилий базани такомиллаштириш ҳамда тизимлаштириш, барқарор давлат харидларини, жумладан “яшил” давлат

харидларини амалга ошириш, давлат харидлари соҳасида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш кўламини янада кенгайтириш, давлат харидлари жараёнларида иштирок этувчи тарафларнинг шартнома мажбуриятларига риоя этилишини мониторинг, таҳлил ва назорат қилишнинг рақамли технологияларга асосланган комплекс тизимини жорий этиш, давлат харидлари жараёнларида иштирок этувчи тадбиркорлик субъектларининг кўламини янада кенгайтириш каби йўналишларда ислохотларни амалга оширилиши мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, давлат харидлари жараёнини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этиш ҳам бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан биридир.

Давлат харидлари жараёнининг барча босқичларида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, умумий электрон харидлар улуши ҳажмини кўпайтириш чораларини кўриш манфаатлар тўқнашуви, коррупция ва тил бириктириш, ҳолатларини олдини олишга хизмат қилади.

Давлат харидлари тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари дан яна бири - буюртмачиларнинг давлат харидлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан мониторинг қилишнинг самарали механизмларини жорий этиш, жамоатчилик назоратини кучайтириш, давлат харидларининг барча босқичларида комплекс мониторинг ва самарали назоратни таъминлайдиган ягона ва яхлит, самарали давлат харидларини бошқариш тизимини яратиш лозим.

Давлат харидлари тизимини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари қаторида харидлар натижалари бўйича шикоят қилиш ва эътироз билдиришнинг шаффоф ва самарали жараёнини жорий этиш муҳим аҳамиятга эга.

Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш бўйича ваколатли мустақил орган белгиланаши, шикоятларни тақдим этиш ва кўриб чиқиш электрон тизимида ишлаб чиқилган “Шикоятларни кўриб чиқиш”

модулидан фойдаланган ҳолда электрон шаклда амалга оширилишини жорий этиш лозим.

Бу борада шикоятни кўриб чиқиш натижаларидан норози бўлган тарафларнинг судга даъво киритиш жараёнлари такомиллаштириш, мустақил органга судгача муурожаат қилиш имкониятини таъминлаш учун қонунда “муҳокама даври” кўзда тутилиши мақсадга мувофиқ. Бунда, ғолиб аниқланган пайтдан бошлаб шартнома тузилгунга қадар бўлган вақт оралиғида судгача шикоят ва харидлар иштирокчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш таритиби жорий қилиниши керак. Харид қилиш жараёнини кечиктирмаслик учун шикоятлар қисқа вақт ичида кўриб чиқилиши, шикоятларни кўриб чиқиш даврида етказиб берувчи ва ғолибни аниқлаш ёки шартнома тузиш бўйича ҳаракатлар тўхтатилиши электрон тизимларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши керак.

Шикоятларни кўриб чиқиш ҳамда шартнома мажбуриятларини бажариш жараёнидаги низолар ва келишмовчиликларни ҳал қилиш учун медиация қоидаларидан фойдаланиш, шунингдек, ҳакамлик судига ёки арбитраж судига муурожаат қилиш имкониятини яратиш юзасидан қонунчилик ҳужжатлари ҳам мувофиқлаштириш мақсадга мувофиқ. Бу низоларни ҳал этишнинг холислиги ва самарадорлигини ошириш имконини беради, давлат харидлари тизимида шаффофлиги ва рақобатбардошликни янада ошишини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида” ги 684-Қонун 2021 йил 21 апрель
2. Urokov UY. QR Chinkulov Legal basis of improvement of public procurement in Uzbekistan." International Finance and Accounting" magazine. 2017(8).
3. U Urokov. The importance of procurement models in the effective organization of public procurement.- IMRAS, 2023
4. Uchkun Urokov. Peculiarities of implementation of public procurement in uzbekistan through the agreement procedure. Journal of economics and business management. 2023
5. Urokov UY, Shodmonov E, Bobobekova D. Government procurement management. T.-2022.
6. Urokov UY. Issues of improving the public procurement system in Uzbekistan. TMI, December. 2014;13.
7. Urokov UY. Issues of increasing the volume of electronic purchases in the state procurement system. TMI, May. 2021;20.

8. Ўроқов У. Ўзбекистонда давлат харидлари тизимини такомиллаштириш масалалари. 2014
9. Urokov UY. Public procurement system: yesterday and today." . Market, money and credit" magazine. 2018(8).
10. Ўроқов У. Улугбек Шарипжон Ўғли. Ҳадли келишув тартиб-таомили орқали давлат харидларини амалга ошириш тартиби. Science and Education. 2023.
11. О'роқов UY. Davlat xaridi. O'quv qo'llanma. T.:«Nihol print» ОК. 2022.

